

725/1454 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ أَبَا بَكْرِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ كَتَبَ لَهُ هَذَا الْكِتَابَ، لَمَّا وَجَهَهُ

إِلَى الْبَحْرَيْنِ:

«بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ»

هَذِهِ فَرِيضَةُ الصَّدَقَةِ الَّتِي فَرَضَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَلَى الْمُسْلِمِينَ، وَالَّتِي أَمَرَ اللَّهُ بِهَا رَسُولُهُ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَمَنْ سُئِلَهَا مِنَ الْمُسْلِمِينَ عَلَى وَجْهِهَا فَلْيُعْطِهَا، وَمَنْ سُئِلَ فَوْقَهَا فَلَا

يُعْطِ:

فِي أَرْبَعِ وَعِشْرِينَ مِنَ الْأَبْلِيلِ فَمَا دُونَهَا، مِنَ الْعَنَمِ، مِنْ كُلِّ حَمْسٍ شَاءُ، فَإِذَا بَلَغَتْ حَمْسًا وَعِشْرِينَ إِلَى حَمْسٍ وَثَلَاثِينَ فَفِيهَا بِنْتُ مَخَاضٍ أُثْنَى، فَإِذَا بَلَغَتْ سِتًا وَثَلَاثِينَ إِلَى حَمْسٍ وَأَرْبَعِينَ إِلَى سِتِّينَ فَفِيهَا حِفْظٌ طَرُوقَةُ الْجَمَلِ، فَإِذَا بَلَغَتْ وَاحِدَةً وَسِتِّينَ إِلَى حَمْسٍ وَسَبْعِينَ فَفِيهَا جَدَعَةٌ، فَإِذَا بَلَغَتْ - يَعْنِي - سِتًا وَسَبْعِينَ إِلَى تِسْعِينَ فَفِيهَا بِنْتًا لَبُونٍ، فَإِذَا بَلَغَتْ إِحْدَى وَتِسْعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ، فَفِيهَا حِفَّةٌ طَرُوقَةُ الْجَمَلِ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ، فَفِيهِ كُلِّ أَرْبَعِينَ بِنْتُ لَبُونٍ، وَفِي كُلِّ حَمْسِينَ حِفَّةٌ، وَمَنْ لَمْ يَكُنْ مَعْهُ إِلَّا أَرْبَعُ مِنَ الْأَبْلِيلِ فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ، إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا، فَإِذَا بَلَغَتْ حَمْسًا مِنَ الْأَبْلِيلِ فَفِيهَا شَاءٌ.

وَفِي صَدَقَةِ الْعَنَمِ: فِي سَائِمَتِهَا إِذَا كَانَتْ أَرْبَعِينَ إِلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ شَاءٌ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى عِشْرِينَ وَمِائَةٍ إِلَى مِائَتَيْنِ شَاتَانِ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى مِائَتَيْنِ إِلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِيهَا ثَلَاثَةٌ، فَإِذَا زَادَتْ عَلَى ثَلَاثِمِائَةٍ فَفِيهِ

كُلٌّ مِائَةٍ شَاهٌ، فَإِذَا كَانَتْ سَائِمَةُ الرَّجُلِ نَاقِصَةً مِنْ أَرْبَعِينَ شَاهًا وَاحِدَةً، فَلَيْسَ فِيهَا صَدَقَةٌ، إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا.

وَفِي الرِّقَةِ رُبْعُ الْعُشْرِ، فَإِنْ لَمْ تَكُنْ إِلَّا تِسْعِينَ وَمِائَةً فَلَيْسَ فِيهَا شَيْءٌ إِلَّا أَنْ يَشَاءَ رَبُّهَا».

725.1454. Анас розияллоху анҳу шундай сўзлаб берди:

«Абу Бакр у кишини Баҳрайнга юборгач, ушбу мактубни ёзиб юборган: «Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Бу - Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи вассаллам мусулмонларга фарз қилган ва Аллоҳ Ўз Расулига амр қилган фарз закотдир. Бас, бу нарса мусулмонлар ичida кимдан меъёрида сўралса, берсин, ундан тепаси сўралса, бермасин.

Йигирма тўртта ва ундан кам туядан ҳар бештаси учун битта қўй. Йигирма бештага етса, ўттиз бештагача битта бинт маҳоз. Ўттиз олтитага етса, қирқ бештагача битта бинт лабун. Қирқ олтитага етса, олтмиштагача нор туяга қўйиладиган битта ҳиққа. Олтмиш биттага етса, етмиш бештагача битта жазаъа. Етмиш олтитага етса, тўқсонтагача иккита бинт лабун. Тўқсон биттага етса, бир юз йигирматагача нор туяга қўйиладиган иккита ҳиққа. Бир юз йигирмадан ошса, ҳар қирқтаси учун битта бинт лабун, ҳар элликтаси учун битта ҳиққа. Кимда тўрттадан ортиқ түя бўлмаса, эгаси хоҳламаса, улар учун закот йўқ. Түя бештага етса, бундан битта қўй.

Қўйининг закоти эса яйловда боқиладиганлардандир. Қирқта бўлса, бир юз йигирматагача битта қўй. Бир юз йигирматадан ортса, икки юзтагача иккита қўй. Икки юзтадан ортса, уч юзтагача учта. Уч юзтадан ортса, ҳар юзтасидан битта қўй. Кишининг яйловда боқиладиган қўйи бир кам қирқта бўлса, эгаси хоҳламаса, улардан закот йўқ. Кумуш тангада ўндан бирнинг тўртдан бири. Агар бир юз тўқсон тангадан бошқа (дирҳами) бўлмаса, эгаси хоҳламаса, бунда ҳеч нарса йўқ».

Манба: hadis.islom.uz



